

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

“БУХОРО-АГРО” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

6) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Ўзбекизоққовқатхолдин” ХК ва тижорат банклари билан биргаликда:

“Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудига лойиҳалар амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектлари жалб этилишини, улар билан тизимли ишлар олиб борилишини, шунингдек, лойиҳаларни “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудига жойлаштириш бўйича инвестицион бюртмаларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини;

тадбиркорлик субъектларига “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудига амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режаларини ишлаб чиқишда қўмаклашиши таъминласин.

6. “Бухоро-агро” ЭИЗ дирекцияси эркин иқтисодий зонанинг бутун фаолият кўрсатиши даврида асосий фаолият тури бўйича солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

7. “Бухоро-агро” ЭИЗ қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сонли Фармонининг 3, 4 ва 5-бандлари қоидалари татбиқ этилсин.

8. “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудига замонавий иссиқхона ҳўжалиқларини ташкил этишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш ва амалга оширишга қўмаклашиш бўйича комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссиянинг (С. Холмуродов) асосий вазифалари этиб қўйилганлиги белгилансин:

мазкур қўриқча назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича масъул ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, ушбу тадбирларнинг самарали, сифатли ва ўз вақтида бажарилишини ташкил этиш;

“Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудига амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий инвестицияларни, донор мамлакатларнинг, халқаро молия институтларининг кредитлари ва грантларини жалб этиш;

“Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудига лойиҳалар амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторлар излашга ҳамда жалб этишга қўмаклашиш, улар билан музокаралар олиб бориш, шунингдек, уларга ўз фаолиятини ташкил этишда зарур ёрдам ва қўмак кўрсатиш.

9. Белгилансинки, “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудига амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштириш халқаро молия институтлари, лойиҳа ташаббускорлари маблағлари, жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар, шунингдек, тижорат банклари кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда лойиҳа ташаббускорининг лойиҳани амалга ошириш

учун жалб этилаётган ўз маблағлари миқдори тегишли лойиҳа умумий қийматининг 25 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

10. “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудига ташкил этилган корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги “Озёқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2718-сонли қарорига белгиланган кредитлар тақдим этиш тартиби ва шартлари татбиқ этилиши таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Асака” АТБ ва бошқа тижорат банклари лойиҳа ташаббускорларига гаров таъминоти етарли бўлмаган ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда уларга технология лизинг асосида харид қилиш имкониятини бериш тасвია этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ “Бухоро-агро” ЭИЗ дирекцияси билан биргаликда “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудини, шунингдек, унинг иштирокчилари ишлаб чиқариш майдонларини ташқи йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан кафолатли таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги:

Қурилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Бухоро вилояти ҳокимлиги билан биргаликда уч ой мuddатда “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудига транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ҳар йили Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастури параметрларини шакллантиришда “Бухоро-агро” ЭИЗнинг белгиланган тартибда тасдиқланган бош режаси асосида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун капитал қўйилмалар лимитларини ҳамда зарур марказлаштирилган инвестициялар ажратилишини назарда тутсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Бухоро вилояти ҳокимлигининг:

Бухоро вилояти ҳокимлигининг “Ягона бюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясини “Бухоро-агро” ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича бюртмачи этиб;

“Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖни “Бухоро-агро” ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳалаш

ташкilotи этиб белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

16. Бухоро вилояти ҳокимлигининг “Ягона бюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖ билан биргаликда икки ой мuddатда “Бухоро-агро” ЭИЗнинг бош режаси лойиҳаси ишлаб чиқилишини ҳамда Бухоро вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Давлат божхона қўмитаси Бухоро вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой мuddатда “Бухоро-агро” ЭИЗ иштирокчиларига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш учун логистика марказларини ҳамда божхона постларини қуриш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги: Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикаси, Корея Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Испания Қиролиги, Исроил давлати, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикасидаги элчихоналар ҳамда республиканинг хорижий давлатлардаги бошқа дипломатик ваколатхоналари зиммасига “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудига лойиҳалар, жумладан, замонавий энергия тежовчи иссиқхона ҳўжалиқларини ташкил этиш бўйича лойиҳалар амалга ошириш учун хорижий инвесторлар, шунингдек, хорижий кредит линияларини жалб этишга қўмаклашиш мажбуриятини юкласин;

Бухоро вилояти ҳокимлигининг бюртмаларига биноан “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудига яратиладиган замонавий иссиқхона ҳўжалиқларини ташкил этиш бўйича ишга жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга давлат божлари ундирилмасдан кўп марталиқ визалар берилиши ва узайтирилиши, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш мuddати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бухоро вилояти ҳокимлигининг бюртмаларига биноан “Бухоро-агро” ЭИЗ ҳудудига ташкил этиладиган корхоналарда, жумладан, иссиқхона ҳўжалиқларида ишлаш мақсадида республикага хорижий мутахассисларни жалб этиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (мuddати узайтирилишини), шунингдек, уларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (мuddати узайтирилишини) таъминласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги:

а) Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ўзбекизоққовқатхолдин” ХК, “Энергия тежаш миллий компанияси” АЖ билан биргаликда икки ой мuddатда замонавий энергия тежовчи иссиқхона комплексларини (иссиқхоналарни) улар жойлашган ҳудуднинг (жойнинг) ўзига хос хусусиятларидан, иссиқхонанинг иختисослашувидан ҳамда иссиқхона ҳўжалиги самарадорлигига таъсир этувчи бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда мақбул шароитларда ташкил этиш юзасидан тасвиялар ишлаб чиқсин;

б) Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Тошкент давлат аграр университети билан биргаликда:

бир ой мuddатда иссиқхона ҳўжалиқлари раҳбарлари ва мутахассислари учун иссиқхона ҳўжалиқларини бошқариш, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда экспорт қилиш масалалари юзасидан туркум ўқув семинарларини ташкил этсин;

замонавий иссиқхона ҳўжалиқларини ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини ҳамда инновацион ишланмаларни рағбатлантириш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги илғор тажрибаси асосида мутахассисларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чораларини кўрсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда иссиқхона ҳўжалиқларида энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ва оқилоналигини ўрганиш мақсадида уларни жойига чиққан ҳолда вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) кесимида атрофлик инвентаризациядан ўтказсин, унинг натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мазкур йўналишдаги ишларни тақомиллаштириш бўйича таклифлар билан бирга ҳисобот киритсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар Вазирлиги давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С. Р. Холмуродов, З. Т. Мирзаев ва Бухоро вилояти ҳокими У. И. Барноев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 10 июль

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Яна бир ачинарли ҳолат: Мухбир кўчасида жойлашган умумий овқатланиш шохоб-часининг қаровсиз ётган икки қаватли биносидан уч-тўрт йилдан буён фойдаланилмайдди. Бу объект ҳам ўтган вақт мобайнида рисоладагидек ишлатилганда қанчадан-қанча фуқаро иш билан таъминлиниб, рўзгорини тебратган, тадбиркорга ҳам, туман газнасига ҳам фойда келтирган бўларди.

Умуман олганда, депутатлар жойларда фақатгина муаммоларни ўрганиш билан

дирилаётгани янгидан-янги лойиҳаларни амалга ошириш, пировардида аҳолининг фаровонлигини таъминлаш, иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг таширфи давомида мазкур туман кўпгина жабҳаларда ривожланишдан орқанда қолаётгани, хусусан, саноат ишлаб чиқариш бўйича Тошкент шаҳри туманлари орасида ўртча кўрсаткичдан ҳам 2 баробар, хизмат кўрсатиш кўлами эса 3 баробар кам экани танқид қилинган эди.

Депутатлар томонидан

Эркин иқтисодий зоналар яна биттага кўпайди



Бугунги кунда республикамизда 17 та эркин иқтисодий ҳамда юздан ортиқ кичик саноат зоналари мавжуд. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётган бундай ҳудудлар сони Президентимизнинг “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан яна биттага кўпайдиган бўлди.

Хўш, бунга нима зарурати бор эди-ю, нега айнан Бухорода ташкил этилмоқда? “Чўп сўксанг қўқарадиган еримиз бор”, деган таърифни кўп ишлатамиз. Аммо Бухоронинг ўзига хос иклими, суви, ери бор. У заминда зироатчилик қилиш осон эмас. Ҳамма гап меҳнатда, ишнинг кўзини билишда ва шунга яраша қўлайлик яратишда! Қарор ана шундай шарт-шароитлар мажмуининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Унга кўра, янги ташкил этилаётган ҳудуднинг умумий майдони 3 минг гектардан иборат бўлиб, унинг 1100 гектари Ромитан, 900 гектари Когон, 500 гектари Бухоро, 400 гектари Пешку ҳамда 100 гектари Жондор тумани ҳудудига тўғри келади. Яъни 5 та туман ҳудудига жойлашган иқтисодий зона масофа жиҳатидан ҳам барча туман учун қўлай.

Ўттиз йиллик мuddатга ташкил этилаётган “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонасининг асосий вазифаси қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан иборат бўлади.

Қарор билан янги ҳудуд зиммасига юклатиладиган вазифалар ҳам залворли. Иссиқхона ҳўжалиқларини гидропоника технологияларини қўллаган ҳолда, кластер усулида ташкил

этиш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб қилиш, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар қуриш учун конструкциялар, жиҳозлар ва бошқа бутловчи буюмлар тайёрлаш шулар жумласидан.

— Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашни кенгайтириш, экспорт ҳажмини ошириш, логистика хизматлари кўрсатишнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш ва уларнинг ҳулосалари халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш кабилар ҳам белгиланган, — дейди Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бўлим бошлиғи Адиба

Аҳмадҷонова. — Ҳамма тажрибалар шу ерда тўпланади. Бу эса уларни оммалаштиришда катта имконият яратади.

Қарор билан катта ва салоҳиятли, ўз навбатида, кенг имкониятлар тақдим этилаётган эркин иқтисодий ҳудуднинг самарали фаолият юритиши учун Республика комиссияси ташкил қилинди. Ҳудудда замонавий иссиқхона ҳўжалиқларини ташкил этишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш ва уларнинг



амалга оширилишига қўмаклашиш бўйича комиссия зиммасига юклатилган вазифалар ҳам аниқ белгилан қўйилган.

— Комиссиянинг асосий вазифаларидан бири қарорда белгиланган вазифалар ижро-

чиларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боришдир, — дейди Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси бош мутахассиси Азим Тошпўлатов. — Чет эл инвесторларини жалб қилиш, музокаралар олиб бориш, улар фаолиятини йўлга қўйишга қўмаклашиш, халқаро молия институтларининг кредит линияларини жалб этиш ҳам шулар қаторига кириди. Бу эса экспорт ҳажмини ошириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнига илм-фани жалб қилишга, маҳсулотларни номеклатурасини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Тошкент давлат аграр университети билан биргаликда масъул раҳбарлар ва мутахассислар учун иссиқхона ҳўжалиқларини бошқариш, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда экспорт қилиш масалалари юзасидан туркум тадбирлар ташкил этиш, соҳадаги илмий тадқиқот ишлари, инновацион ишланмаларни рағбатлантириш, хорижнинг илғор тажрибаси асосида мутахассислар малакасини ошириш каби вазифалар ҳам белгилан берилган.

Қисқаси, фаровонлик мақсад қилинган яна бир эзгу ишга қўл урилади. Мазкур лойиҳа яқин келажакда ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Бош прокуратура ҳузурдаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

Олмазорнинг ҳар бир маҳалласида тадбиркорлик ривожланади

чекланиб қолмасдан, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда ечимига ҳам эътибор қаратмоқда. Тадбиркорларни қийнаётган масалалар билан қизиқяпти. Хусусан, бўш турган объектлардан ижтимоий фойдаланилиши учун кредит олиш, уларнинг кадастр ва бошқа ҳужжатларини тезлаштириш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, фаолиятини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда олмазорликларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда.

Бугунги кун талаби одамларнинг фаровонлигини таъминлаш учун ҳар қарч ердан унумли фойдаланишни, тадбиркорлик қилиб, рўзгорини ҳам, давлатни ҳам бой қиламан деган одамга шароит яратиб беришни тақозо этмоқда. Бўш, қаровсиз ётган битта объект гайрат-шижоватли тадбиркорга берилса, у ҳудуд обод гўшага айланади. Одамлар иш билан таъминланади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бюджетга қўшимча даромад келтириши табиий. Айни пайтда Президентимизнинг кўрсатмалари асосида жойлардаги маҳаллий бюджет маблағлари ўша ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ўз ҳисобида қол-

ўрганишлар жараёнида ана шу камчиликларни бартараф этиш, Олмазорни Президентимиз томонидан қўйилган талаблар асосида намунавий туманга айлантириш учун барча имконият ва салоҳиятни ишга солишда давлат ва жамоат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектларига яқиндан қўмаклашилмоқда. Бу савий-ҳаракатлар яқин орада ўзининг ижобий натижасини бериши шубҳасиздир.

— Агар эътибор берган бўлсангиз, Юртбошимиз тақор ва тақор бир фикрни айтмоқдалар, яъни биз учун энг катта баҳо — халқимизнинг ишончини қозониш, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Саъдуллаев. — Биз, депутатлар бир неча кундан бери туман маҳаллаларида айланиб юрибмиз. Баҳоли қудрат қатор муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бердик. Энг муҳими, аҳоли биз билан самимий фикрлаша бошлади. Ташвишлари, муаммоларини очик-ойдин баён этяпти. Биз уларга қўмақдош бўлиб, масалалар жойида ечилишига ёрдам беряёмиз. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, халқимиз ишончини оқлаш ҳар бир депутат фаолиятининг асосий мезони бўлмоғи лозим.

Қобил ХИДИРОВ.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти янада ошади

Ўзбекистонда сўнгги вақтларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш орқали аҳоли даромадларини оширишга жиҳдий эътибор қаратилмоқда. 2018 йилнинг ўзида мамлакатимиз биргина гилос экспорт қилувчи мамлакатлар рейтингига тўртинчи ўринга чиқиб олди. Хитой, Жанубий Корея каби мамлакатларда Ўзбекистонда етиштирилган маҳсулотларга талаб ортди. Бундай ижобий кўрсаткичларни янада яхшилаш қонунларини ҳам тақомиллаштиришни талаб этади.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Кеча кучга кирган янги таҳрирдagi “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонун юртимизда озёқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда тури зарарли организмларнинг мамлакатимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш йўлида муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Қонун янги таҳрирда қабул қилинишининг муҳим асосларидан бири шунда эдики, ўсимликлар карантини соҳасидаги бошқарув тизимида ҳам жиҳдий ўзгаришлар юз берди. Мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, Президентимизнинг махсус Фармони ва иккита қарори қабул қилинди. Улар асосида, муқаддам Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимига кирувчи Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ташкилий-ҳуқуқий мақоми янада кучайтирилиб,

Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўтказилди. Қонун асосида янги ташкил этилган инспекциянинг тизими, ҳуқуқ ва ваколатлари аниқ белгиланди.

Бу йўналишдаги яна бир муҳим масала шундаки, аввалги қонунда ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг ҳуқуқлари кўрсатилган бўлса-да, мажбуриятлари аниқ белгиланмаган эди. Фуқароларнинг манлолатларини ҳисобга олган ҳолда янги Қонуннинг 17-моддасида ўсимликлар карантини давлат инспекторлари мажбуриятлари ҳам аяқол ибодасини топди.

Сўнгги вақтларда ташқи сиёсатимизда амалга оширилган ижобий илохотлар натижасида Тожикистон, Қирғизистон каби чегарадош давлатлар билан ўзаро дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланди, савдо-сотик ишлари кенг йўлга қўйилмоқда. Шу асосда қўшни давлатлар билан 20 дан ортиқ чегара пунктлари ташкил этилди. Шунга кўра, Инспекцияга

қўшимча 400 дан ортиқ штатлар ажратилди, ходимлар масъулияти кучайтирилди.

Янги таҳрирдаги Қонунда ўсимликлар карантини давлат инспекцияси масъул ходимларининг лавозимларини аниқ белгилан бериш, шунингдек, халқаро савдо алоқаларини ривожлантиришда ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари билан савдо алоқаларини йўлга қўйишда фитосанитар хавфсизликни таъминлаш, импорт ва экспорт билан шуғулланидиган тадбиркорлик субъектлари амал қилиши керак бўлган зарарли ўсимлик касалликлари, ҳашаротлар ва бегона ўтлар кириб келишининг олдини олиш бўйича аниқ нормалар белгиланган.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланидиган тадбиркорларга қўлайлик яратиш мақсадида Қонуннинг 30-моддасига асосан, аввалги қонундаги ўсимликлар карантини давлат хизмати органларини юк жўнатилиши кутилаётган кундан олдин хабар қилиш мuddати 30 кундан 10 кунга, экспорт қилинаётган маҳсулотни текширув қўриғидан ўтказиш учун тақдим қилиш мuddати 15 кундан 3 кунга қисқартрилди.

Шунингдек, мазкур Қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари алоҳида янги моддаларда мустаҳкамланди.

Мамлакат хавфсизлигини таъминлашда ҳам ўсимликлар карантини

хизмати муҳим роль ўйнайди. Чунки биргина зарарли организмни уруғ, кўчат каби қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари орқали мамлакатга киритиб, бутун қишлоқ ҳўжалигини издан чиқариш мумкин. Бундай мудҳиш хохлатлар хорижий мамлакатлар тажрибасида бир неча бор кузатилган. Шундай хавфларнинг олдини олиш учун ҳам Қонунда инспекциянинг ваколатларини кучайтириш жиҳдий эътибор қаратилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўсимликлар карантини масалал

“Бу дунёда ўлим ва солиқлардангина қочиб қутулиб бўлмайди”. Бенжамин Франклининг ушбу машҳур ибораси солиқнинг ҳаётдаги аҳамияти, иқтисодиётдаги ўрни нақадар мислсиз эканлигини яққол англатиб турибди. Зеро, ҳар қандай мамлакат бюджетига тушумларнинг асосий қисми ҳам, ижтимоий соҳалар ривожига ҳам солиқлар эвазига таъминланади. Ҳамма замонларда унинг йиғимига жиддий эътибор қаратилгани боиси ҳам шундан.

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

Ҳозирги пайтда дунёнинг кўплай ривожланган давлатларида солиқларни тўлашнинг ҳақиқий даромадини яшириш жиноят сифатида баҳоланиб, солиқдан қочган одам давлат мулкни ўзлаштирганлик, керак бўлса, халқга хиёнат қилганлик даражасида айбланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқаронинг давлат олдидagi биринчи вазифаси солиқларни вақтида тўлаш ҳисобланади.

Бизда-чи? Барча бирдек солиқларни вақтида тўлайдими? Даромадимни яширмаганман, деган мард тадбиркорлар сафи кенгми? Ёки қайси дўкон эгаси олган даромадларини банк орқали тўла қилиб қиялантирди? Тан олиб айтганда, кўпчилигимиз истеъмолчи сифатида сотиб олган маҳсулот ёки хизматимизнинг юздан бирига ҳам чек талаб қилмаймиз. Шу тариха ноқонуний пул айланishiга сабабчи бўлиб қолмадик.

Аммо солиқ сиёсати ҳақида сўз борганда аксариятми ставкларнинг юқорилиги ва чалқашлигини рўқча қиламиз. Тан олиш кераки, солиқлардан қочишга уринишимизнинг сабаби ҳам айнан унинг мураккаб ва тушунарсизлигидадир.

Бизнес-ҳамкор ва маслаҳатчи

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

Энди солиқлардан қочишга ҳожат йўқ

билан солиқ маъмуриятчилиги тизими такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, давлат солиқ хизмати органларини солиқ тўловчиларнинг бизнес-ҳамкори ва маслаҳатчиси сифатидаги янги имиджини яратиш орқали хизмат кўрсатишга йўналтирилган идорага айлантириш вазифаси қўйилди. Бунда экстерриториаллик принципи асосида солиқ тўловчилар ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажариши талаб этилади. Бизнес-ноқоний, шаффоф ва кулай юритиш учун маълум шарт-шароитлар яратилади. Солиқ маъмуриятчилиги ва назоратининг мулкдоари янги тизимга асос солинади.

Шунингдек, коррупциявий омилларга йўл қўймастик бўйича превентив ва олдини олиш чоралари қўйилди. Солиқ тўловларининг ўз вақтида, бир хилдаги тушуми таъминланиб, маъмурий тартиб-таомиллар максимал даражада камайтирилади, соддалаштирилади. Солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланмаларни қисқартириш ҳисобида бюджетларнинг даромад қисми барқарор шакллантирилади. Бундан ташқари, текширувдан олдинги таҳлил ва масофаий назорат-таҳлил ишларини амалга ошириш учун маълум

мотларни тўлиқ йиғиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий, илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чоралари янада кучайтирилади. Давлат солиқ хизмати органлари ҳодимларига корпоратив этика синдирилди, уларнинг стратегик мақсад ва вазифаларига эришиш учун ўз хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш мотивацияси тизими жорий этилади.

1245 нафар ходим нега ишдан олинди?

Президентимиз томонидан солиқ тизимида коррупциянинг авж олиб кетганини, солиқ тўловчиларнинг аксарияти ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаслиги, солиқчиларнинг ноинсофлиги, айниқса, бозорларимиздаги аҳолининг жуда ёмон эканлиги кўп бора кескин танқид қилинди. Қарорда ҳам бу ҳақлар алоҳида қайд этилиб, солиқ назоратининг эскирган усули ва принциплари мазкур орган олдига қўйилган янги вазифаларни ҳал қилиш, жумладан, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқлар йиғилувчанлигини оширилишини таъминлаш имконини бермаслиги, ўз ечимини топмаган сезиларли муаммоларнинг мавжудлиги ушбу ҳолатни янада оғирлаштираётгани таъкидланди.

— Солиқ сиёсатини издан чиқарадиган ҳолатлардан бири бу давлат солиқ хизмати органлари ҳодимлари фаолиятига коррупция ва алдовларнинг аралашishiдир, — дейди Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Бехзод Мусаев. — Бу ҳол, айниқса, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жуда авж олиб кетган эди. Бундай салбий ҳолатлар-

Адолат ва тенглик тамойили

Аслида, солиқлар нималарга сарфланади? Биз нима учун ҳалол меҳнат қилиб тўлаган даромадимиз, хусусий мулк ва бойлигимизнинг бир қисмини давлатга беришимиз керак? Бунинг жавоби оддий. Давлат хизматчиларининг ойлик маоши, пенсия ва нафақа тўловлари айнан солиқлар ҳисобига қопланади. Бундан ташқари, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун биз тўлаётган солиқлар асосий манба ҳисобланади. Ана шу нарса ни халқимиз тўла тушуниб етсагина солиқларни ўз вақтида тўлашдан оғринмайди. Бунинг учун эса солиқлар ҳаммага тушунарли ва оғирлик қилмайдиган бўлиши керак. Адолат ва тенглик асосида ундирилиши лозим. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзе-

кстон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони билан айнан шу масалалар ўз ечимини топди. Хусусан, унга қўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб барча фуқаро учун жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиқининг ягона ставкаси 12 фоиз миқдорда жорий этилади. Шундан 0,1 фоизи шахсий жамғариб

ларига юридик шахсларнинг обороти (тушуми)дан ундириладиган мажбурий ажратмалар ҳам бекор қилинмоқда. Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиги ставкаси 14 фоиздан 12 фоизга, тижорат банклари учун 22 фоиздан 20 фоизга пасайтирилади. Мобил алоқа хизмати кўрсатаётган юридик шахслар (яъли алоқа компаниялари) учун рентабеллик дара-

жаҳидан келиб чиқиб, улар учун қўшимча фойда солиги ҳисоблаш тартибини бекор қилган ҳолда 14 фоиздан 20 фоизгача ошириш назарда тутилган. Дивидендлар ва фойзалар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиги ставкаси эса 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилади.

Ҳар биримиз ҳисса қўшайлик!

— Солиқ сиёсатини такомиллаштириши биз, аввало, солиқларнинг йиғилувчанлигини оширишдан бошлашимиз керак, — дейди Бехзод Мусаев. — Бунинг учун солиқ тўловчиларга илоҳи борица энгиллик бериш, солиқ хизмати ҳодимларининг малака ва тажрибасини ошириш, шунингдек, аҳолининг истеъмоил маданиятини юксалтиришимиз талаб этилади. Ҳар биримиз сотиб олган махсулотимиз, бизга кўрсатилмаётган иш ва хизматлар учун чек талаб қилишни ўрганасак, бозорлар ва хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги пулларнинг қоний айланishi-га ҳисса қўшган бўламиз. Ёки ҳар бир солиқ хизмати ҳодимининг ундирган солиги учун фойза ҳисобида муқофот пулини жорий этишни ҳам рехалаштиришимиз. Бу ҳам солиқларнинг ўз вақтида йиғилиб, давлат газнасининг бойишига хизмат қилади.

Қисқача айтганда, юқоридagi Фармон билан солиқ сиёсатида катта ўзгаришлар бўлмоқда. Янгидан ишлаб чиқилаётган Солиқ кодекси эса тизимнинг барча жиҳатини ўзда акс эттирган янгица ҳуқуқий ҳужжат бўлиши, шубҳасиз.

Бехзод ИБРАГИМОВ.

ТАҚДИМОТ

2010 йилда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг икки фоизини меҳнат муҳожирларининг фарзандлари ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу рақам 6 фоизга етган. Яъни 250 нафарга яқин болаларнинг ота-онаси фарзандини давлат қарамоғига топшириб, пул топиш илинжида чет элга кетган. Аммо бу масаланинг бир томони, ҳолос.

Ҳамкорликдаги йирик лойиҳа миграция таъсиридан болаларни ҳимоялашнинг самарали механизмларини яратади

Расмий маълумотларга қўра, бугунги кунда 2 миллиондан ортиқ ватандошларимиз бошқа давлатларда меҳнат мигранти саналади. Уларнинг ортида оиласи, кимларгадир ишониб топшириб кетган фарзандлари бор, албатта. Ота-онаси узоқда меҳнат қилаётган ўғил-қизларнинг таълими, соғлиги ва умуман, тақдирини — Ўзбекистонда иш бошлаган янги лойиҳа доирасида атрофича таҳлил қилинади.

иттифоқи кўмағида миграция таъсиридан болаларни ҳимоялаш бўйича лойиҳа тақдимотида бу ҳақда батафсил маълумот берилди. У Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиё ҳамада Марказий Осиё минтақаларидаги саккизта мамлакатда, жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилади. Лойиҳа, асосан, мигрантлар оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, васийлик ва ҳомийлик органлари, давлат ва но-тижорат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган. Бунинг учун республи-

ликамининг тўртта вилояти танлаб олинди. Яъни айни пайтда мигрантлар сони нисбатан юқори бўлган Бухоро, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида 2020 йилнинг декабрига қадар босқичма-босқич амалга оширилади. Лойиҳа доирасида мавзуга оид тақдиротлар ўтказиш, мигрантларнинг фарзандлари дуч келаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш кўзга тутиляпти. Бундай оилаларга ўз вақтида ва керакли ёрдамни ташкил этиш юзасидан зарур механизмларни ишлаб чиқиш мақсад

қилинган. Тақдимотда бу жараёнда иштирок этувчи томонларнинг масъулияти ва вазифалари хусусида ҳам сўз борди. Давлат органлари билан бирга Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари каби жамоат ташкилотларининг лойиҳа ишида фаол қатнашишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар белгиланди.

Ўзбекистон асосий сайёҳлик марказларидан бирига айланиши учун кенг имкониятларга эга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Бўш турган маблагингиз борми? Унда Ўзбекистонга сармом киритинг ва ўн йиллик “Golden visa”га эга бўлинг”, дея маҳаллий тадбиркорлар республикамизга инвестиция киритишга чорла-

саёт қилаётган туристлар учун бошқа давлатлар виза белгиларини тан олиш имконияти жорий қилиниши Осиё давлатларидан келадиган сайёҳлар оқими-га ижобий таъсир кўрсатиши тахмин қилинади. “Vatandosh” визасининг амалиётга киритилиши эса бугун дунёнинг турли нуқталарида истиқомат қилаётган ўзбекистонликларнинг Ватанга келиб-кетилишлари учун ниҳоятда қулай имкониятдир.

Қувайтнинг “Times Kuwait” газетасида Ўзбекистон минтақадagi асосий сайёҳлик марказига айланиши учун барча имкониятга эгаллиги эътироф этилади. Илгари мавжуд бўлган бюрократик тўсиқларнинг бартарф қилиниши Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев



раҳбарлигида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг таркибий қисмидир. “Республиканинг ташки дунёга очилиши Марказий Осиёдаги вазиятни мулақо янги йўналишга бурмоқда. Энди бу ерда ўзаро ишонч, ҳурмат ва муштарак манфаатлар тамойиллари ҳукм сураёттир. Халқлар ўртасидаги асрларора ривожланиб келган ришталарга янги туртки берилди”, дейилади мақолада.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Эксперт фикри

Минтақавий мулоқотда янги давр

Умумий муаммоларга биргаликда жавоб

22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва исчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқара ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюциясини қабул қилди. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатни БМТга аъзо барча давлатлар бир овоздан қўлаб-қувватлади. Бу воқеа нафақат минтақа учун, балки халқара миқёсда ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга. Ҳоқиятан, резолюциянинг қабул қилиниши аниқ мақсадлар йўлида бирлашган минтақага айланаётган Марказий Осиё мамлакатлари тараққиётда янги босқични бошлаб берди.

Муштарак мақсадлар

Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистон мамлакатлари Ўзбекистон ташаббусини оқлишга, БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясида ҳаммуаллиф сифатида қатнашди. Унда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланишни таъминлашга катта ҳисса қўшган ташаббусларни биргаликда илгари суриш истаги акс этган. Хусусан, резолюцияда 2018 йил январда, Қозоғистоннинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига раислик қилган даврида Хавфсизлик Кенгашида Афғонистон бўйича ташкил қилинган мунозаралар яқунлари, шунингдек, Қирғизистонда Бутунҷон оқим-қўшнилари йўналиши мунтақавий раҳбарларнинг саммитини ўтказиш госясини оқлишди. Ҳар йили Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувларини қақриш бўйича Ўзбекистон ташаббуси қўлаб-қувватланди.

Мулоқотда янги давр

саласи 90-йиллар ва ундан сўнг Марказий Осиё давлатлари дуч келган ички сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, мафкураравий ва бошқа муаммоларнинг оғир юки билан янада мураккаблашди. Америкалик эксперт С. Корнелнинг фикрича, сўнгги 25 йил давомида Ўзбекистон Марказий Осиёда жуда муҳим ўрин тутди. Яъни, аввалбошданок, мутаассиблик ва экстремистик гоғларга нисбатан қатъий позицияда турди, бу гоғларнинг минтақда тарқалишига йўл қўймастикка қаратилган кучли сиёсат олиб борди. Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик қилувчи барча етакчи мамлакатлар, хусусан, Россия, ХХР, АҚШ ҳамда ЕИ фаол ва самарали иштирок этди. Сирасини айтганда, халқара ҳамжамият Марказий Осиё давлатларининг барқарорлик ва тараққиётнинг энг муҳим омилли саналиши минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлидаги ҳаракатларини сўзсиз қўлаб-қувватлашини намойиш қилди. Бугун Ўрта Осиёдаги оқошишталик дунё хавфсизлигининг ажралмас қисми эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмапти. Дунёнинг қатор минтақаларида тараққиланган ва зиддиятлар сақланиб қолаётган бир шароитда минтақавий ҳамкорликнинг стратегик истиқболлари халқара хавфсизликни таъминлашда оқоши бораётган маҳсулоти, турғулик ва номутасоиблик минтақа давлатларидан биргаликда ривожланишга қаратилган умумий лойиҳаларни излаб топиш ва рўбга чиқариш учун янада кинрок, мувофиқлаштирилган ҳаракатларни талаб қилляпти.

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Танзила НАРБАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси: — Ўзбекистоннинг миграция билан боғлиқ халқара лойиҳада иштироки — мамлакатимизда болалар тақдирига кўрсатилмаётган раҳмдорликнинг бир намунаси. Унинг доирасида соҳанинг малакали мутаассибларини тайёрлаш, миллий қончилигимизга янги нормаларни жорий этиш, “Миграция тўғрисида”ги қонун

Саша ГРАУМАНН, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари: — ЮНИСЕФ ҳисоботида кўра, дунёнинг бошқа минтақаларига нисбатан миграция таъсир кўрсатган болаларнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда. Лойиҳа уч йил давомида амалга оширилади. Бу орада ота-онаси чет элда меҳнат қилаётган болалар билан ишлашнинг институционал механизмларини яратиш назарда тутиляпти. Биз эса лойиҳадан сўнг ҳам унинг доирасида йўлга қўйилган ишлар юқори сифат ва салоҳият билан давом эттирилиши талаб қилинади.

Эдуард СТИПРАЙС, Европа иттифонининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари: — Миграция — фақат Марказий Осиёнинг муаммоси эмас. Бутун дунё миқёсида йилдан-йилга мигрантлар сони ортиб бормоқда. 2000 йилда жохон бўйича 108 миллион мигрант қайд этилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 258 миллионни ташкил қилди. Муаммонинг долзарблигини инобатга олган ҳолда, Европа иттифонини қўлаб-қувватлашга қарор қилди. Унинг доирасида нафақат четга кетаётган мигрантларнинг оиласи, балки муҳожирлар бориб ишлаётган шароитлар ҳам ўрганилади. Бунинг учун Россия ва Қозоғистонда мавжуд ҳолат юзасидан таҳлилий фаолият олиб борилади.

Дилором ТОШМУҲАММЕДОВА, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директори: — Тўғри, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарориди ҳам айнан оиладаги муаммоларга тизимли ёндашув масаласи кўтарилган эди. Уларни бартарф этиш учун оила институтини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шароитларни кучайтириш, замонавий оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш вазифаси юкланган. Лойиҳа доирасида бу йўлда олиб борилаётган ишларимиз янада кучайтирилади.

Мунисмон КАРИМОВА, «Халқ сўзи» муҳбири. Х. ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига

Умуминсоний қадриятлар куйчиси



Буюк адиб Чингиз Айтматовни болалик кезларимда, унинг асарларини ўқиб, таний бошлаганман. Кейинчалик кўплаб тадбирларда бирга иштирок этиш насиб қилди.

Чингиз Айтматов асарлари ўзбек-қирғиз халқлари ўртасидаги маданий-адабий қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, уларнинг маънавий қарашларини, қадриятларини тарғиб қилишга, маданиятини янги, юксак поғонага кўтаришга ҳисса қўшди.

Давримизнинг буюк ёзувчиси, дипломат, мутафаккир, академик Чингиз Айтматовнинг давлат ва инсоният олдидagi улкан хизматлари у ҳаётлик пайтдаёқ юқори баҳоланган. "Лотос", "Руханият" (Қирғизистон), "Жавоҳарлавл Неру" (Хиндистон), "Александр Мень" (Россия), "Тинчлик ва маънавий ҳамжиҳатлик учун" (Қозғистон) каби қатор халқаро мукофотларга сазовор бўлган адиб улкан сийсатчи, депутат, шунингдек, Қирғизистон Ёзувчилари иттифоқининг раиси ҳам бўлган. "Иссиқкўл форуми" деб аталган дунё интеллектуаллари ҳаракатини тузиб, уни бошқарган.

Ижодкор севи ва дўстликка садоқат, табиатга меҳр-шафқат, маърифату маданият, умуминсоний фазилатлар куйчиси эди. Қирғизистонлик тарихчи олим, тарих ҳамда фалсафа фанлари доктори Рустам Раҳманалиев Навоийдан кейин беш юз йил ўтиб, турк халқлари орасидан ёлғиз Чингиз Айтматовнинг ижоди дунё адабиёти чўққисига кўтарилди, деб юқори баҳо берган.

Чингиз Айтматов Ўзбекистонда кўп марта таълим ўрашувларда бўлган. Хусусан, 1998 йил 10 апрел кунини мамлакатимизда ўтган Қирғизистон маданияти кунлари доирасида делегация таркибида ташриф буюрган эди. Байналмилал маданият марказида турли миллат ва элат вакиллари, ёзувчилар ҳамда ОАВ вакиллари билан бўлган ўрашувда сўзга чиқиб, марказни "Кичик бирлашган миллатлар ташкилоти", деб эътироф этганди.

Адибнинг ўлмас асарлари бугун ҳам ўзбек-қирғиз халқларини бирдамликка,

ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга чорлаб турибди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилнинг 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори улкан қирғиз адибига ўзбек халқининг яна бир эҳтироми ифодаси бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ, "Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон" номи хотира китоби чоп қилинади, адиб ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятини эътироф этувчи кўпгина тадбирлар амалга оширилади. Бундан ташқари, "Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти" мавзусида илмий конференция, йил давомида таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ҳамда маҳалларда таниқли шоирлар, ёзувчилар, олимлар иштирокида ўрашувлар, адабий кечалар уюштирилиши кўзда тутилган.

Буларнинг барчаси ўзбек-қирғиз халқларининг бир-бирига янада яқинлашишига хизмат қилади.

Раҳматилла ЖАББОРОВ, Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази раиси.

2017 йилнинг 3 август кунин Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг миллий маданиятимизнинг кўзга кўринган намоёндалари, атоқли шоир ва адиблар, театр, кино, musiқа санъати соҳасининг таниқли ҳамда ёш вакиллари, санъатшунос олимлар, журналистлар билан самимий рўҳда кечган ўрашувдаги маърузасида халқимизнинг айни дилидаги гаплар айтилган эди. Унда билдирилган мулоҳазалар шу азияз ва жоноҳон Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси ҳаётига дахлдорлиги билан янада аҳамиятлидир.

Ёшим 85 да. Болалигимдан радио тинглашни ёқтираман. Айниқса, кечки дастурларда бериладиган мақом ёки катта ашулаларни берилиб эшитаман. Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Ҳалима Носирова, Берта Давидова, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров каби мумтоз санъаткорларимиз ижроларини оҳангиданоқ танийман. Чунки уларнинг кўшиқлари ёшликдан кулоқларимизга куйилган. Илгари уларнинг кўшиқлари берилса, шеър муаллифи, ёстакор ҳам айтарди. Ҳозир эса, афсуски, ундай эмас. Кўча-кўйда, маҳаллада юрганда, баъзан, ёшлардан ушбу ҳофизлар ҳақида сўрасам, улар бил-

маймиз, деб бош силкишадди. Фикримча, фарзандларимиз бундай улуг санъаткорларимиз номи билишлари, санъат йўлига қадам қўйиш-ошяпти. Жумладан, "Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида", "Ўзбекистон

иждоқкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлар тарихий аҳамиятга эга. Бу эътибор ва ҳамжўрлик санъаткорларимизни пировавд мақсад — жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англаш-

Маърифат юлдузи

ларида уларнинг ижодий меросидан баҳраманд бўлиб, ўлмас кўшиқлар яратишга ҳаракат қилишлари айни мудда.

Давлатимиз раҳбари ўша маърузада иждоқкорларни қўллаб-қувватлаш бўйича нима деган бўлсалар, барчаси изчиллик билан амалга

Мулоҳаза

га ўргатиш, уларнинг бадиий-эстетик дини шакллантиришга хизмат қилади. Зеро, ёшлар таълим-тарбиясида мактаб, коллеж ва лицейларнинг ўрни қанчалик муҳим бўлса, санъатнинг аҳамияти ҳам шу қадар юксак. Яъни фарзандларимиз ўқув муассасаларида яхши ўқисаю, бачкана, ижтимоий юки паст кўшиқларни тингласа, саёз бадиий фильмларни кўрса, бу, албатта, уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Шу боис биз қайси касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар, ўз маънавиятимиз, маданиятимиз, одоб-ахлоқимиз билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўишни доимий бурчимиз, деб билишимиз шарт.

Эркин ИБРОҲИМОВ, меҳнат фахрийси. Тошкент шаҳри.

Амалий санъатнинг сеҳрли жозибаси

Пойтахтимиздаги Фафур Гулом номидagi маданият ва истироҳат боғида анъанавий халқ амалий санъати ҳамда миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Италия, Корея Республикаси, Малайзия, Озарбайжон, Туркия, Хитой каби 20 дан ортиқ давлатларда кўргазма ҳамда ярмаркалар ўтказилиши режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 10 дан зиёд хорижий мамлакатларда уюшти-

қўйган ёшлар учун айни мудда бўлди. — Ярмаркада ўзим тайёрлаган каштачилик маҳсулотлари билан катнашдим, — дейди самарқандлик тадбиркор Мавлуда Ҳамдамова. — Қўндалик ҳаётимизда ишлатиладиган бундай



рилган халқаро кўргазмаларда 50 дан ортиқ хунармандлар иштирок этди. "Муस्ताқил юрт хунармандлари" Х Республика анъанавий кўргазмасида намойиш этилган маҳсулотлар ҳам кўпчиликлда катта таассурот уюбди. Моҳир усталар томонидан ўтказилган хунармандчилик ва амалий санъат бўйича маҳорат сабоқлари соҳага қадам

буюмларга нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам талаб катта. Кўргазма давомида кўплаб чет эллик меҳмонлар маҳсулотларимиздан сотиб олди. Бу ишбилан ривожига ижобий таъсир этиши билан бирга, миллий қадриятларимиз тарғиботига ҳам ҳисса қўшади.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.

Кўргазма

Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюшмаси томонидан Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда кенг жамоатчилик, мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари, уста-хунармандлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари катнашди.

Юртдошларимиз қўл меҳнати асосида яратган буюмлар — гиламдўзлик, кулолик, наққошлик, рассомчилик, кўйирчоқсозлик, заргарлик, тўқувчилик, каштачилик намуналари ўзининг нафислиги, сифатлиги, табиий хом ашёлар асосида ишланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис улар турли миллий ва халқаро кўргазмаларда юксак эътироф этилади.

Ушмо томонидан хунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилиш ва хунармандлар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида жорий йилда АҚШ, Германия, Швейцария, Россия,

Тоғлар бағрида булоқлар кўз очди



Зоминнинг пурвиқор тоғлар билан ўралган сўлим Ўрқилисий гўшасида юртимиз ёш иждоқкорларининг анъанавий семинари бўлиб ўтди.

— Президентимиз ўтган йилнинг апрель ойида Жиззах вилоятига ташрифи чоғида Зомин семинар-анжуманини қайта тиклаш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган эди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайид. — Чинакам маҳорат майдонига айланган бу мак-

табда сабоқ олган жуда кўп ёшларимиз бугунги кунда фаол ижод қилишмоқда. Семинарда ёш иждоқкорлар учун бадиий таржима, публицистика, драматургия, шеърят, наср, болалар адабиёти йўналишлари бўйича машғулотлар, маҳорат сабоқлари ўтказилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва

"Ижод" жамоат фонди томонидан "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида гоилларнинг илк тўпламлари 20 миң нусхадан чоп этиладиган бўлди. Анжуман якунида иштирокчиларга эсдалик совғалар топширилди.

Толибжон ЭРҒАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

«RESPUBLICA MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўлказиладиган оқиқ аукцион савдоларига таклиф этади. Аукцион савдосига «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси биналари мажмуасидан фойдаланиш дирекцияси» ДУКга қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислоом Каримов кўчаси, 55-уйда сақланаётган «ТМЗ 1000/10» русумли трансформатор кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 62 446 716 сўм. Аукцион савдоси 2018 йил 25 июль кунин соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 23 июль кунин соат 18.00. Мазкур трансформатор 2018 йил 25 июлдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий савдолари 2018 йил 6, 16, 27 август кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2018 йил 6 августдаги савдо учун — 3 август, 16 августдаги савдо учун — 14 август, 27 августдаги савдо учун — 24 август кунин соат 18.00. Аукцион савдоси голиби деб топилган шахсга 5 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, трансформатор бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги куййдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850. Гувоҳнома № 001805. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган оқиқ аукцион савдоларига таклиф этади. Аукцион савдосига «Туронбанк» АТБ Юнусовод филиалининг бюортмасига асосан, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Тошкент — Уш автомагистрали манзилида жойлашган, ер майдони 9000,0 кв. м. бўлган маиший хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 4 622 744 550,53 сўм. Аукцион савдоси 2018 йил 8 август кунин соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 6 август кунин соат 16.00. Мазкур кўчмас мулклар 2018 йил 8 августдаги савдода сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2018 йил 24 август кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 22 август кунин соат 16.00. Аукцион савдоларида қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг ваколатли вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатда шахсан куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим: — юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, низом ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил аукцион савдосида қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқловчи паспорт нусхаси; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил аукцион савдоларида иштирок этган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқловчи паспорт нусхаси. Аукцион савдоси голибига савдо ўтган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кун мобайнида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ Миробод филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 3022373151. Хизматлар лицензияланган. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Яққасарой тумани, Маҳмуд Торобий к., 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-11. Факс: (0-371) 254-69-13.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюортма Г — 745. 78 621 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетамиз ҳақидаги маълумотларни куйиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Давлат, ҳусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ куйидагиларни сотиб олиш учун танлов савдолари эълон қилади: — тигли (штыковая) белкурак сопи билан — 67 дона; — япалоқ белкурак сопи билан — 100 дона; — радродорлар болтаси дастаси билан — 197 дона; — оддий кўндаланг (поперечный) арра — 43 дона; — ёғоч кесиш учун арра — 20 дона; — оддий лом — 16 дона; — арра учун учбурчак шаклидаги эғов — 28 дона; — гайка калитлари 22*24, 22*27 — 16 дона; — ноҳовка арриси — 32 дона; — ўткир жағли омбир — 1 дона; — кичик ясси омбир — 1 дона; — 0,5-1 кг.ли чилангар болгаси — 6 дона; — чилангарлик зубиласи — 2 дона; — отвёртка 150 — 200 мм. — 4 дона; — шангенциркуль — 4 дона; — кавшарлагич — 6 дона; — гайка калитлари (ключи торцевые) тўплами 9 — 13 — 1 тўплам; — гайка калитлари (ключи торцевые) тўплами — 2 тўплам; — гайка учун кериладиган калит — 1 дона; — сантехник тўплами — 1 тўплам; — умалок эғов — 4 дона; — столга ўрнатиладиган слесарь исканжаси — 1 дона; — пармалайдиган «НС-12» русумли стол дастгоҳи — 1 дона; — слесарь дастаки дрели — 14 дона; — 1,5 — 12,8 мм.ли спиралсимон парма — 52 дона; — кичик босқон — 1 дона; — 40 литр ҳажмли кислород баллони — 11 дона; — 100 литр ҳажмли қоққоқли металл бочка — 4 дона; — гайка калити 11*14 — 4 дона; — гайка калити 17*22 — 1 дона; — калитлар тўплами — 1 тўплам; — тестер — 1 дона; — вольтметр — 1 дона; — галтак «ТК-2» — 230 дона; — омметр «М-372» — 1 дона; — манометр — 22 дона; — поршенли қўл насоси — 2 дона; — ясси эғов — 1 дона; — 20 литрли катта (шиша) бутилка — 1 дона; — «ПОС-30» кавшари (қотишмаси) (200 гр.) — 1 кг.; — ишкорли электротит — 25 кг.; — болга учун ёғоч соп — 1 дона; — картон қоғоз (250 гр.) — 364 кг.; — юпка ўров қоғози (оқ рангли, 80 гр.) — 300 кг.; — ўров қоғози (қуланг, 80 гр.) — 100 кг.; — муқова учун картон (300 гр.) — 300 кг.; — А4 эғув қоғози — 9 856 кг.; — нусха кўчириш қоғози — 466 кг.; — А4 газета қоғози — 780 кг.; — миллиметрли қоғоз — 50 кг.; — ватман — 40 дона; — 48 варақли ўқувчилар дафтари — 80 200 дона; — «ОХП-10», «ОВП-10», «ОП-10» ўт ўчиргичлари — 250 дона; — «ОП», «ОУ-3», «ОУ-2», «ОУ-1» ўт ўчиргичлари — 68 дона; — ўт ўчириш шланги (рукав) 51 мм. — 400 дона; — ўт ўчириш шланги 66 мм. — 350 дона; — ўт ўчириш шланги 77 мм. — 79 дона; — мотопомпа «МП-800» — 12 дона; — мотопомпа «МП-1600» — 9 дона; — ўт ўчирувчи қалқони (тўплам) — 14 дона; — ўт ўчириш гидранти — 32 дона; — химоя кўзойнаги — 4 дона; — кутқарувчи арқони — 102 дона; — кутқарувчи камари — 45 дона; — ўт ўчирувчи каскаси — 233 дона; — диэлектрик қўлқоп — 12 дона; — диэлектрик қайчи — 30 дона; — энергия тежовчи лампа 7 Вт — 300 дона; — энергия тежовчи лампа 20 Вт — 500 дона; — энергия тежовчи лампа 30 Вт — 300 дона; — лампа «ЛД-40» — 200 дона; — прожектор лампаси 400 Вт — 200 дона; — лампа «Д18» — 100 дона; — универсал лампа «ДРЛ» — 150 дона; — лампа «ДРЛ» 125 Вт — 100 дона. Тижорат тақлифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади. Танлов савдолари куйидаги манзилда бўлиб ўтади: 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Маълумот олиш учун ҳар кунин соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил бўйича ёки куйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12 (навбатчи), 281-46-71.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН КЎЗАМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНАЙДИ ВА МУАЛЛИҒА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жаобгар. Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07. • МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — Д. Каримов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббеов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.25 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6